

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЙДАРОВА ГУЛРУХ СОБИРЖОН ҚИЗИ

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИД УЧУН АНТИПИРЕНЛАР СИНТЕЗИ, УЛАР
АСОСИДА КОМПОЗИЦИЯЛАР ОЛИШ, ХОССАЛАРИНИНГ
ТАДҚИҚОТИ ВА ТАСНИФИ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.09 – Товарлар кимёси**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Кимё фанлари фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Хайдарова Гулрух Собиржон қизи

Поливинилхлорид учун антипиренлар синтези, улар асосида композициялар олиш, хоссаларининг тадқиқоти ва таснифи.....3

Хайдарова Гулрух Собиржон кизи

Синтез антипиренов для поливинилхлорида, получение композиций на их основе, исследование и классификация их свойств.....21

Khaydarova Gulrukh Sobirjon kizi

Synthesis of flame retardants for polyvinyl chloride, preparation of compositions based on them, research and classification of their properties.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАЙДАРОВА ГУЛРУХ СОБИРЖОН ҚИЗИ

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИД УЧУН АНТИПИРЕНЛАР СИНТЕЗИ, УЛАР
АСОСИДА КОМПОЗИЦИЯЛАР ОЛИШ, ХОССАЛАРИНИНГ
ТАДҚИҚОТИ ВА ТАСНИФИ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.09 – Товарлар кимёси**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/K849 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.nsumt.uz ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Махсумов Абдулхамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдушукуров Анвар Кабирович
кимё фанлари доктори, профессор

Ҳамроқулов Маҳмуджон Ғофурович
кимё фанлари фалсафа доктори(PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети ҳузуридаги DSc.17/7.06.2024.K/T.06.03 рақамли Илмий кенгашнинг « 19 » 12 2024-йил соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 76 в-уй. Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.:0 (436) 223-23-32; факс:0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz).

Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (196 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 76в-уй. Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz)

Диссертация автореферати 2024-йил « 7 » 12 куни тарқатилди.
(2024 йил « 7 » 12 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



Х.М.Вапоев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

С.Ш.Шарипов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, PhD., доцент

М.М.Муминов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳонда синтетик полимерлар истеъмоли бўйича поливинилхлорид тўртинчи ўринни эгаллайди. Келгуси йилларда поливинилхлорид ва унга асосланган материалларга талаб сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Поливинилхлорид материалларига талабнинг ошиши халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари, шу жумладан, қурилишда маҳсулотлар ассортиментининг кенгайиши имконини беради. Бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ПВХ таркибига антипиренлар киритиш орқали унинг оловбардошлигини оширишдир. Шу сабабли, ПВХ материалларининг ёнғинга чидамлилигини оширувчи антипиренларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини ўзгартириш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда бугунги кунда полимер композит материаллар учун фосфор ва галогенли бирикмалар асосида юқори самарали антипиренлар ишлаб чиқариш соҳасида кўплаб йўналтирилган илмий-изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий хомашё асосидаги полимер материалларнинг ёнувчанлигини камайтирувчи кўп функцияли антипиренлар синтез қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда ПВХ асосидаги маҳсулотлар ва материалларнинг оловбардошлигини оширишда таркибида хлор, бром, йод, азот, фосфор тутган антипиренларни яратиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида¹ “Маҳсулот ва технологияларнинг принципиал жиҳатдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосида ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий товарларни таъминлаш” каби муҳим муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хомашё асосида таркибида хлор, бром, йод, азот ва фосфор бўлган ёнғинга қарши воситалар ишлаб чиқаришнинг тежамкор ва экологик тоза технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларда мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019-йил 30-октябрдаги ПФ-5368-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030-йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепсияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2018-йил 20-октябрдаги ПҚ-841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020-йил 15-мартдаги ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон – 2030» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»даги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот республика VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Олимлар Хоанг Тхань Хай, Cinausero N., Batistella A., Ling Sun, Sertsova A.A., Wennan Li, Yi-Wei Wang, Ruiqing Shen, Qingsheng Wang, Триполицын А.А., Еремина Т.Ю., Николаева Е.А., Альменбаев М.М., Зубкова Н.С., Сабирзянова Р.Н., Микитаев А.К., Джалилов А.Т., Самигов Н.А., Набиева И.А., Рафиков А.С., Мухиддинов Б.Ф., Акбаров Х.И., Мухамедгалиев Б.А., Нуркулов Ф.Н., Сиддиков И.И., Бекназаров Х.С. ва бошқалар антипиренлар яратиш уларни амалиётга жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ушбу олимлар ўзларининг илмий изланишлари натижасида ёнғинга чидамли полимер материалларни яратиш учун антипиренлар ишлаб чиқаришнинг турли усуллари, уларни ишлаб чиқариш жараёнига турли технологик омилларнинг таъсири ҳамда тузилиши ва хоссаларини такомиллаштириш бўйича қатор тадқиқотлар ўтказдилар ва тежамкор ҳамда экологик тоза технологияларни ишлаб чиқдилар.

Айни пайтда синтетик полимер ва бошқа материаллар учун экологик тоза ва тежамкор антипиренлар яратиш ва модификациялашнинг замонавий янги усуллари такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 1-03/2024-сон “Поливинилхлоридни қайта ишлашни яхшилаш учун композициялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё асосида антипиренлар синтез қилиш ва поливинилхлорид асосида ёнғинга чидамли композицион материалларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Маҳаллий хомашё асосида хлор, бром, йод сақлаган антипиренлар синтез қилиш;

синтез қилинган бирикмаларнинг кимёвий тузилишини, электрон тузилиши ва квант кимёвий ҳисобларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш;

антипиренлар билан поливинилхлорид композицияларини олиш;

олинган композицияларнинг термик хусусиятларини ўрганиш;

олинган композицияларнинг ёнғинга чидамлилигини ўрганиш;

олинган композицияларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш;

синтез қилинган бирикмалар ва улар асосида олинган композицияларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида поливинилхлорид, антипиренлар -

2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1, 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1, 2,3,3- трийод пропен-2-ол-1, поливинилхлориднинг антипиренлар билан турли нисбатлардаги композициялари олинган.

Тадқиқотнинг предметини галоген сақлаган антипиренлар ва поливинилхлорид асосидаги ёнғинга чидамли композициялар ишлаб чиқариш, шунингдек, олинган композицияларнинг физик-кимёвий ва механик хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида инфрақизил спектроскопия, ЯМР спектроскопия, дериватография ва стандарт таҳлил усуллари каби замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Маҳаллий хомашёлар асосида хлор, бром, йод сақловчи антипиренлар синтез қилинган ва синтез жараёнига турли омиллар-ҳарорат, катализаторнинг табиати ва концентрацияси, реакция давомийлигининг таъсири аниқланган ҳамда уларнинг тузилиши ИҚ ва ЯМР-спектроскопик усуллар билан исботланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг электрон тузилиши ва квант кимёвий ҳисоблашлар амалга оширилган – оптималлаштирилган структураси, атомлар орасидаги боғлар узунлиги, электростатик потенциал харитаси, электрон зичлик тақсимоти аниқланган;

ишлаб чиқилган композицияларнинг ёнғинга чидамлилиги, термик характеристикалари аниқланган ва антипиренларнинг самарадорлик қатори тузилган, ишлаб чиқилган композицияларнинг физик-механик хусусиятларининг антипиренлар концентрациясига боғлиқлиги асосида оловбардош композицияларнинг оптимал таркиблари яратилган.

синтез қилинган бирикмалар ва улар асосида олинган композициялар учун ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасидан товар кодлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пропаргил спирти асосида хлор, бром, йод сақловчи антипиренлар синтез қилинган ҳамда олинган маҳсулотлар унумига реакция давомийлиги ва ҳарорати, катализатор табиати ва концентрациясининг таъсири аниқланган;

синтез қилинган антипиренларнинг табиати ва оптимал концентрацияларининг поливинилхлориднинг кислород индексига, термик барқарорлиги ҳамда механик хусусиятларига таъсири аниқланган;

таркибида антипирен сақлаган поливинилхлорид материалларини сертификатлашда спектроскопия ва спектрометрия услубларига асосланган юқори аниқликдаги, тежамкор ва тезкор усуллар ишлаб чиқилган ва пластификацияланган поливинилхлорид кимёвий таркиби асосида синфланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари - дериватография, ИҚ спектроскопия, мустаҳкамликни текшириш учун синов машинасидан фойдаланилган ҳолда лаборатория тадқиқотлари олиб борилганлиги,

Ўтказилган кўп сонли экспериментларнинг натижалари қониқарли даражада мутаносиблиги ва миқдорий тасдиқлаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пропаргил спиртининг хлор, бром, йодли ҳосилалари синтезида маҳсулот унумига реакция давомийлиги, ҳарорати, катализатор табиати ва концентрациясининг таъсири аниқланганлиги, пропаргил спиртининг галогенланиш механизми таклиф этилганлиги, оловбардошликни антипиренлар миқдори ва таркибига боғлиқлиги, шунингдек ишлаб чиқилган композицияларнинг термик ва физик-механик хусусиятларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пропаргил спиртининг галогенли ҳосилаларини синтез қилишга, синтез жараёнига реакция давомийлиги, ҳарорати, катализатор табиати ва концентрациясининг реал боғлиқликларини аниқлашга, шунингдек синтез қилинган маҳсулотларни антипиренлар сифатида фойдаланиш учун тавсия этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши. Поливинилхлорид асосидаги оловбардош композицион материалларни яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

пропаргил спирти асосида антипирен воситалар олиш технологияси “Навоийазот” АЖда амалиётга жорий этилган. (“Навоийазот” АЖ нинг №03/5468-сонли 2024 йил 23 октябрдаги маълумотномаси). Натижада, кислород индекси КИ = 36,9 га тенг, дастлабки композициялардан 1,54 баравар юқори бўлган оловбардош композицияларни олиш имконини берган;

поливинилхлорид асосида ишлаб чиқилган оловбардош композициялар олиш технологияси “Навоийазот” АЖда амалиётга жорий этилган. (“Навоийазот” АЖ нинг №03/5468 - сонли 2024 йил 23 октябрдаги маълумотномаси). Натижада, қурилиш корхоналари учун оловбардош, юқори иқтисодий самарадорликка эга қувур, шланг, арматура олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 7 та халқаро илмий-техник анжуманларда маъруза қилинди ва муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 6 таси мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 3 таси республика журналларида, 3 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан электрон ҳисоблаш машиналари учун 6 та дастурий таъминот гувоҳномалари олинган..

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 120 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, уларнинг амалиётга татбиқ қилиниши очиб берилган ва чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Поливинилхлорид асосидаги оловбардош композицион материалларнинг замонавий ҳолати, синтези ва хоссалари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили асосида поливинилхлорид синтези, хоссалари ва қўлланилиши аниқланган, винилхлорид синтези учун гомоген ва гетероген катализаторлар келтирилиб, асл металллар (олтин, палладий) ва оралиқ металллар (мис, темир) асосидаги гетероген катализаторлар қаторига алоҳида эътибор қаратилган.

Полимер материаллар учун антипирен турлари ва уларга асосланган композициялар таҳлил қилинган. Анъанавий антипиренлардан галоген сақлаган бирикмалар, фосфор сақлаган бирикмалар, минерал тўлдирувчилар ва синергистлар келтирилган ҳамда антипиренлар табиати ва концентрациясининг поливинилхлорид ёнувчанлигига таъсири кўрсатилган. Шунинг-дек, маҳаллий хомашё асосида антипиренларни синтез қилиш ва уларни ПВХ асосидаги оловбардош материаллар ишлаб чиқишда қўллаш келтирилган.

Шунингдек, товарлар кимёсининг аҳамияти, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) асосида товарларнинг рақамли кодларини таснифлаш, товарларнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва бошқа хусусиятлари асосида халқаро ТИФ ТН га мос рақамлар кодини ва сертификатлар бериш, маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни кимёвий таркиби бўйича сертификатлаш орқали ҳам истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини, ҳам иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектларининг физик-кимёвий хоссалари”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич хомашёлар - ПВХ, ацетилен, пропаргил спирти, антипиренларнинг физик-кимёвий хоссалари, асосий ва оралиқ маҳсулотларни синтез қилиш методикалари ҳамда тадқиқотларни ўтказиш усуллари, масалан, ЯМР ва ИҚ спектроскопия, композицияларнинг кислород индексини, термик хоссаларини, механик хоссаларини, полимер суюқланмасини оқувчанлик кўрсаткичи ва бошқаларни аниқлаш усуллари ҳам берилган. Квант кимёвий ҳисоб-китоблари Гауссиан 09 дастури ёрдамида амалга оширилган.

“Пропаргил спиртининг галогенли ҳосилалари синтезига турли омилларнинг таъсири ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари” деб номланган диссертациясининг учинчи бобида пропаргил спиртининг

галогенлаш жараёни берилган, галогенлар сифатида хлор, бром ва йоддан, эритувчилар сифатида эса сувдан фойдаланилган.

Пропаргил спиртининг галогенли ҳосилалари унумининг ҳароратга боғлиқлиги 10-60 °С ҳарорат оралиғида ўрганилди, унинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пропаргил спиртининг тригалогенли бирикмалари ҳосил бўлиш унумига ҳароратнинг таъсири

Модданинг номи ва тузилиш формуласи	Ҳарорат, °С					
	Унум, %					
	0	10	20	30	40	50
$\begin{array}{c} \text{НОН}_2\text{С}-\text{С}=\text{С}-\text{Сл} \\ \quad \\ \text{Сл} \quad \text{Сл} \end{array}$ 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1	51,70	62,33	78,61	72,59	55,84	43,26
$\begin{array}{c} \text{НОН}_2\text{С}-\text{С}=\text{С}-\text{J} \\ \quad \\ \text{J} \quad \text{Br} \end{array}$ 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1	44,87	50,48	65,40	57,26	47,62	42,07
$\begin{array}{c} \text{НОН}_2\text{С}-\text{С}=\text{С}-\text{J} \\ \quad \\ \text{J} \quad \text{J} \end{array}$ 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1	47,63	56,75	73,32	70,16	67,59	60,39

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш (1-жадвал) асосий маҳсулот чиқиши учун оптимал ҳарорат 20°С бўлганлигини кўрсатади. Ҳароратнинг янада ошиши 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1, 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1 ва 2,3,3-трийод пропен-1 2-ол-1 унумининг пасайишига олиб келади. Бу асосий маҳсулот таркибида қўш боғнинг мавжудлиги ва юқори ҳароратларда олигомерлар ва полимерлар ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Бунинг тасдиғи сифатида системанинг қовушқоқлиги ортиши ва смоласимон бирикма ҳосил бўлишини кўриш мумкин.

Маълумки, катализаторларнинг табиати кимёвий реакцияларнинг кинетикасига сезиларли даражада таъсир қилади. Шу сабабли, катализатор табиатининг пропаргил спиртининг галогенланиш реакцияси унумига таъсири ўрганилиб, натижалари 2-жадвалда келтирилган. Катализатор сифатида LiOH, NaOH, KOH нинг сувдаги эритмалари ишлатилган.

Тадқиқот натижалари (2-жадвал) шуни кўрсатадики, синовдан ўтган катализаторлар орасида KOH энг самарали эканлиги аниқланган, унинг иштирокида 2,3,3-трихлорпропен-2-ол-1нинг унуми 78,61 % ни, 3-бром 2,3-дийодпропен-2-ол-1нинг унуми 65,4 % ва 2,3,3-трийодпропен-2-ол-1нинг унуми 73,39 % ни ташкил этган. Буни KOH катализаторининг асослилик хоссаларининг юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Пропаргил спиртининг тригалогенли бирикмалари ҳосил бўлиш унумига катализатор табиатининг таъсири

Модданинг номи ва тузилиш формуласи	Катализатор		
	Унум, %		
	LiOH	NaOH	KOH
$\begin{array}{c} \text{HOH}_2\text{C}-\text{C}=\text{C}-\text{Cl} \\ \quad \\ \text{Cl} \quad \text{Cl} \end{array}$ 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1	52,66	65,21	78,61
$\begin{array}{c} \text{HOH}_2\text{C}-\text{C}=\text{C}-\text{J} \\ \quad \\ \text{J} \quad \text{Br} \end{array}$ 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1	40,13	47,28	65,40
$\begin{array}{c} \text{HOH}_2\text{C}-\text{C}=\text{C}-\text{J} \\ \quad \\ \text{J} \quad \text{J} \end{array}$ 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1	47,31	62,38	73,39

Маълумки, кимёвий реакцияларнинг кинетикасига катализатор концентрацияси сезиларли даражада таъсир қилади. Шунинг учун катализатор концентрациясининг 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1, 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1 ва 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1 ҳосил бўлиш унумига таъсири ҳам ўрганилган ва натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Пропаргил спиртининг галогенланиш реакцияси унумига катализатор концентрациясининг таъсири

№	Модданинг номи ва тузилиш формуласи	Катализатор концентрацияси, масс. %						
		Унум, %						
		5	10	15	20	25	30	35
1	$\begin{array}{c} \text{HOH}_2\text{C}-\text{C}=\text{C}-\text{Cl} \\ \quad \\ \text{Cl} \quad \text{Cl} \end{array}$ 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1	35,6	41,7	48,9	57,2	64,5	78,6	71,1
2	$\begin{array}{c} \text{HOH}_2\text{C}-\text{C}=\text{C}-\text{J} \\ \quad \\ \text{J} \quad \text{Br} \end{array}$ 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1	38,1	45,4	53,8	61,3	65,4	60,7	57,3
3	$\begin{array}{c} \text{HOH}_2\text{C}-\text{C}=\text{C}-\text{J} \\ \quad \\ \text{J} \quad \text{J} \end{array}$ 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1	54,8	66,5	73,4	64,4	58,7	51,9	48,5

Анализ натижаларидан(3-жадвал) кўриш мумкинки, катализатор концентрациясининг 5-25 % га қараб ортиб боришида 3-бром-2,3-дийод пропен-2-ол-1 нинг ҳосил бўлиш унуми ҳам ортиб боради. Катализатор концентрацияси 30 % етганда 3-бром-2,3-дийод пропен-2-ол-1 унуми камайиб бошлайди. Энг юқори маҳсулот унуми 25% КОН эритмасидан фойдаланганда кузатилди, бунда 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1 унуми 65,4% ни ташкил этди. Бироқ 2,3,3-трихлоропропен-2-ол-1 да энг юқори унуми 30% катализатор концентрациясида кузатилади ва 78,6% ни ташкил этди, 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1 да энг юқори унум 73,4% ташкил этди ва бу 15% катализатор концентрациясида кузатилади.

Пропаргил спиртининг галогенланиш реакцияси унумига таъсир этувчи факторлардан яна бири бу реакция давомийлигидир. 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1, 3-бром-2,3-дийод пропен-2-ол-1, 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1 ларнинг ҳосил бўлиш унумининг вақт билан боғлиқлиги ўрганилди.

Олинган натижалар таҳлилидан кўриш мумкинки, реакция давомийлиги 3 соатгача ошганда унум босқичма-босқич ошиб борди ва энг юқори кўрсаткич 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 учун 78,61 %, 3-бром-2,3-дийод пропен-2-ол-1 учун 65,4 %, 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1 учун 73,39 % ни ташкил этди, вақтнинг давомийлиги янада оширилганда эса унумнинг пасайганлиги кузатилди. Буни кўш боғ тутган маҳсулотнинг олигомер ва полимер маҳсулотларга айланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ацетилен қатори спиртларига галогеннинг электрофил бирикиш реакцияси бир неча босқичда содир бўлади:




Галоген молекуласининг кутбланиши;

π -комплекснинг ҳосил бўлиши;

Галогенид-ионнинг ҳосил бўлиши;

Оралик босқич: галогенид-иони карбокатионга ҳужум қилади ва 2,3-дигалоид пропен-2-ол-1 ҳосил бўлади.

Яқуний босқич: ҳосил бўлган 2,3-дигалоид пропен-2-ол-1 ва галоген орасидаги реакция (ишқорий металл гидроксидлари катализаторлигида) алмашиниш механизми билан боради. Дастлаб ишқорнинг -ОН гуруҳи 2,3-дигалоид пропен-2-ол-1 нинг -СН гуруҳи ҳаракатчан водород атоми билан таъсирлашади ва карбокатион ҳосил бўлади, кейин карбокатионга ҳужум қилувчи галогенид-иони ва галоген атомлари орасида боғ узилиши содир бўлади. Натижада охириги маҳсулот 2,3,3-тригалоид пропен-2-ол-1 ҳосил бўлади.




Кат.: LiOH, NaOH, KOH

X-: Cl, Br, I.

Шундай қилиб, ацетилен қатори спиртларига галогеннинг электрофил бирикиши бир неча асосий босқичлар орқали янги маҳсулот ҳосил бўлишига олиб келади

Синтез қилинган 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1, 3-бром-2,3-дийод пропен-2-ол-1 и 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1 моддаларнинг тузилиши ИҚ- ва ЯМР-спектроскопик усуллар ёрдамида ўрганилди ва исботланди.

2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 нинг ИҚ-спектри қуйидаги 1-расмда келтирилган




1-расм. 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 нинг ИҚ- спектри

2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 нинг ИҚ-спектрида, 3298 см^{-1} соҳада молекулалараро водород боғни вужудга келтираётган НО- гуруҳига тегишли ўртача кучли валент тебраниш ҳамда $1350\text{--}1258\text{ см}^{-1}$ шу гуруҳга тегишли деформацион ютилиш соҳасида намоён бўлди. Шунингдек, спектрда 2879 см^{-1} соҳада --CH_2 гуруҳининг симметрик валент тебранишлари мавжуд ва шу гуруҳнинг деформацион тебранишлари 1448 см^{-1} соҳада кузатилди. $1722\text{--}1637\text{ см}^{-1}$ соҳалардаги ўртача валент ютилиш чизиқлари эса --C=C-- гуруҳига ва шу гуруҳнинг учта хлор алмашган ҳолатдаги деформацион тебранишлари $815\text{--}790\text{ см}^{-1}$ соҳада кузатилди. Шунингдек, спектрда $732\text{--}648\text{ см}^{-1}$ ютилиш соҳаларида C--Cl гуруҳининг кучли валент тебранишлари намоён бўлди.

Бундан ташқари модданинг тузилиши ЯМР-спектроскопик таҳлил усули билан ҳам ўрганилди. Қуйидаги 2-расмда 2,3,3-трихлорпропен-2-ол-1 ЯМР ^1H спектрлари келтирилган

2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 нинг ^1H ЯМР-спектрини таҳлил қилганда, протон сигналлари (600 МГц, хлороформ-d, δ , м.д., J/GS) $\text{--CH}_2\text{--}$ гуруҳидаги протон атомларининг дублет сигналлари 4,43 ва 4,42 м.у. соҳаларда кузатилди. Бирикма таркибидаги --OH гуруҳига тегишли протон атоми эса 3,30, 3,29 ва 3,28 м.у. оралиқларида тегишли триплет сигналлари бериши аниқланди. Бундан ташқари бирикма таркибидаги қўш боғ билан боғланган 2-ўриндаги углерод 126,35 м.у., $\text{--CH}_2\text{--OH}$ гуруҳига тегишли углерод атоми 62,85 м.у., 3-ўринда жойлашган углерод эса 122,83 м.у. ларда тегишли сигналларни кўрсатди. Олинган спектрлар синтез қилинган модда 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 нинг тузилишини тасдиқлайди.



2-расм. 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 нинг ЯМР ^1H спектри


Синтез қилинган бирикмаларнинг структураси ўрганилди ва квант кимёвий ҳисоблари амалга оширилди. Чегаравий молекуляр орбиталларни боғловчи ва заифлаштирувчи моддаларнинг оптималлаштирилган тузилмалари ва уларнинг тузилиши, кимёвий потенциали, молекуляр электростатик потенциалнинг контурлари, электрон зичлиги ва молекулада заряд тақсимоти аниқланади. Электрон энергия, иссиқлик энергияси, иссиқлик

энталпияси ва моддаларнинг эркин термал энергияси каби баъзи термодинамик параметрлар ҳам Гауссиан 09 дастурий пакети ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг "ПВХ асосидаги ёнғинга чидамли композицияларни олиш, уларнинг термик, физик-механик ва оловбардошлик хусусиятларини ўрганиш" деб номланган тўртинчи бобида ПВХнинг антипиренлар билан олинган композицияларининг термик, физик-механик ва ёнғинга чидамлилиги бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Поливинилхлориднинг антипиренлар - мочевина аммофос аралашмаси (96:4), меламина цианурат, 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 (ТХП), 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1 (ТБДЙП) ва 2,3,3-трийод пропен-2-ол-1 (ТЙП) билан олинган композицияларининг термик хусусиятлари дериватографик усул ёрдамида ўрганилган,

3-расм да поливинилхлориднинг 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 билан композициясининг динамик термогравиметрик эгри чизиғи (ДТГА) ва дифференциал сканерлаш калориметрияси (ДСК) бўйича таҳлил натижалари келтирилган.



3-расм. Поливинилхлориднинг 10 % ли антипирен (2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1) билан композициясининг дериватограммаси (1- ДТГА эгри чизиғи; 2- ДСК эгри чизиғи)

Тадқиқот натижаларининг таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, ПВХ таркибига антипирен қўшилганда композициянинг термик барқарорлиги ошади (3-расм). Масалан, 350 °С да поливинилхлорид композицияларида антипирен миқдори 5,0; 10,0; 20,0; 30,0 масс.% ошган сари композициянинг термик барқарорлиги ҳам мос равишда 64,25; 63,14; 62,05 ва 61,41 масс.% га ортиб боради.


Полимер материалларининг термик барқарорлигини баҳолашнинг яна бир критерияси ПВХ композицияларининг термик парчаланиш тезлигини аниқлашдир. Шу сабабли, ДТГА эгри чизиқлари асосида массанинг ўзгариш тезлиги аниқланган. Тадқиқот натижаларига кўра жараён асосан иккита ҳарорат оралиғида, полимернинг парчаланиш тезлигининг турлича бўлиши билан кечади. Биринчи ҳарорат оралиғи 200-250 °С бўлиб, бу вақтда

парчаланиш тезлиги катта – 6,73 мг/мин; иккинчи ҳарорат оралиғи эса 400-600°C бўлиб, бу вақтда парчаланиш тезлиги нисбатан паст – 1,16 мг/мин.

ПВХ нинг оловбардошлик хусусиятлари кислород индексига (КИ) асосланган ҳолда, ГОСТ 12.1.044-89 га мувофиқ текширилди. Тадқиқот натижалари, 96:4 нисбатдаги мочевина аммофос аралашмасининг 80:20 нисбатдаги мочевина аммофос аралашмаси билан солиштирганда кислород индекси юқорироқ эканлигини кўрсатмоқда. 80:20 нисбатдаги мочевина ва аммофос аралашмаси антипирен сифатида қўлланилганда, кислород индекси 24% дан 28,5% гача ошади, 96:4 нисбатдаги аралашма билан эса 24% дан 30,4% гача ошади.

Меламин цианурат антипирен сифатида қўлланганда, ПВХ юқори кислород индексига эга бўлди. Меламин цианурат концентрацияси 5,0 масс. % дан 30,0 масс. % гача ошганда, ПВХ композитларининг кислород индекси 26,3% дан 33,9% гача ошиши кузатилди.

Шунингдек, пропаргил спиртининг галогенли (хлор, бром ва йод) ҳосилалари синтез қилинди ва уларнинг оловбардошлиги кислород индексига кўра ўрганилди. Йод, бром ва хлор тутган пропаргил спиртининг ҳосилалари орасида энг самараси 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 эканлиги аниқланди. Масалан, 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 нинг масса улуши 5,0 масс. % дан 30,0 масс. % гача ошганда, поливинилхлориднинг кислород индекси 24,0% дан 36,9% гача ошиши кузатилди.



4-расм. Антипирен табиати ва концентрациясининг ПВХ композицияларининг кислород индексига таъсири: 1-ТХП; 2- МЦ; 3-ТЙП; 4 - МА; 5-ТБДЙП

Синовдан ўтказилган барча антипиренларни таққослаб (4-расм), уларнинг табиати ва тузилишига қараб, самарадорлик қаторини қуйидаги тартибда жойлаштириш мумкин:

$$\text{ТХП} > \text{МЦ} > \text{ТЙП} > \text{МА} > \text{ТБДЙП}$$

Синовдан ўтган антипиренлар орасида энг самарали бўлганлар 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 ва меламин цианурат эканлиги аниқланди. Умуман синовдан ўтказилган барча бирикмалар антипирен хусусиятларини эга


эканлиги ва поливинилхлориднинг оловга чидамлилигини ошириши исботланди, уларни нафақат ПВХ, балки бошқа полимер материаллар учун ҳам антипирен сифатида ишлатиш мумкин.

Полимер композицион материалларнинг қўлланиш соҳаларини белгиловчи энг муҳим хусусиятлардан бири деформацион мустаҳкамлик кўрсаткичларидир.

Деформацион мустаҳкамлик хусусиятлари, масалан, узилиш кучи, узайиш, чўзилишдаги мустаҳкамлик ва эластиклик модули плёнкалар кўринишида аниқланган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ПВХ нинг механик хусусиятларидаги ўзгаришлар антипиренлар миқдorigа боғлиқ ҳолда ўзгаради. ПВХ га 2,3,3-трихлор пропен-2-ол-1 (ТХП) ни 5,0 масс. % дан 30,0 масс. % гача қўшилганда, аввалига 15,0 масс. % гача чўзилишдаги мустаҳкамлик ва узилиш кучи ошиб боради, аммо кейинги миқдор ошиши бу кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади. Масалан, 5,0 масс. % ТХП тутган ПВХ композициясининг чўзилишдаги мустаҳкамлик ва узилиш кучи 24,3081 Н ва 2,4308 Н/мм² ни ташкил этади. 15,0 масс. % ТХП тутган композицияда бу кўрсаткичлар узилиш кучи 27,7784 Н ва чўзилишдаги мустаҳкамлик 2,7778 Н/мм² га кўтарилади. Кейинчалик ТХП концентрациясининг ошиши бу кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади. Бу эса ПВХ молекулалари ва антипирен молекулалари орасидаги ўзаро таъсирларнинг ўзгариши билан боғлиқ.

ПВХ композициясида 3-бром-2,3-дийод пропен-2-ол-1 (ТБДЙП) миқдори ошганда, узилиш кучи монотон равишда 28,3448 Н дан 35,8765 Н гача, чўзилишдаги мустаҳкамлик кучи эса 2,8344 Н/мм² дан 3,5876 Н/мм² гача ошади. Бу ҳолат, антипиренларнинг табиати ва тузилиши билан изоҳланиши мумкин.



5-расм. Дастлабки поливинилхлорид (1) ва 3-бром 2,3-дийод пропен-2-ол-1 нинг: 2 – 5,0 масс.%; 3 - 10,0 масс.%; 4 - 15,0 масс.%; 5- 20,0 масс.%; 6- 30,0 масс.% ли композицияларининг деформация – узилишдаги мустаҳкамликнинг концентрацияга боғлиқлик диаграммаси

ПВХнинг антипиренлар билан композицияларининг эластиклик модули бўйича тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, эластиклик модулининг қиймати 1095,31 Н/мм² дан 2709,88 Н/мм² гача ўзгаришини кўриш мумкин. Эластиклик модули бўйича натижаларни таққослаганда, энг юқори эластиклик модули 96:4 нисбатдаги мочевина ва аммофос аралашмасида кузатилди. 96,0 % мочевина ва 4,0 % аммофос аралашмаси антипирен сифатида ишлатилганда, ПВХ композицияларининг эластиклик модули 2709,88 Н/мм² га этади.

Диссертациянинг **"Полимер маҳсулотларни экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича таснифи"** деб номланган бешинчи бобида полимер маҳсулотлари, поливинилхлорид ҳамда унинг маҳсулотларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги товар номенклатураси бўйича таснифи натижалари келтирилган.

Республика ҳудудига импорт қилинадиган ва ундан экспорт қилинадиган пластмасса маҳсулотлари ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича асосан 39 гуруҳга таснифланади, лекин айрим ҳолларда истиснолар мавжуд (масалан, қимматбаҳо металлларни ёки уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларини ўз ичига олган пластмассалар 39 гуруҳга кирмайди).

Бирламчи полимерларни таснифлаш учун дастлабки мономерни аниқлаш зарур. Масалан, полиэтилен 3901 товар позициясида, полипропилен 3902 товар позициясига, стирол полимерлари 3903 товар позициясида, винилхлорид ёки бошқа галогенланган олефинлар полимерлари 3904 товар позицияларида таснифланади.

Винилхлорид ва бошқа хлорли олефинларнинг бирламчи шакллари ТИФ ТН бўйича 3904 товар позициясида таснифланади. Улар қуйида батафсил тавсифланган:

3904 10 000 - бошқа компонентлар билан қўшилмаган поливинилхлорид;
3904 10 000 1 - сульфат кули 0,25%дан кўп бўлмаган поливинилхлорид смолалар ва эмулсион, микросуспензион паста ҳосил қилувчи поливинилхлорид эмулсиялари;

3904 10 000 9 - бошқа поливинилхлоридлар;

3904 21 000 0 - пластификацияланмаган;

3904 22 000 0 - пластификацияланган;

3904 30 000 0 - винилацетат ва винилхлорид сополимерлари;

3904 40 000 0 - бошқа винилхлорид сополимерлари;

3904 50 - винилиденхлорид полимерлари.

Винил хлорид полимерларидан плиталар, листлар, плёнкалар, тасмалар ёки ленталар бошқа пластмассадан тайёрланган ғоваксиз ва мустаҳкамланмаган, қатламсиз, тагликсиз ва бошқа материаллар билан бир хил тарзда боғланмаган ҳамда 6 масс. % кам бўлмаган пластификаторлар 392043 товар субпозициясида таснифланиб, улар 2 та кодга деталлаштирилган. Булар қалинлиги 1 мм дан ошмагани 3920 43 1000 код билан ҳамда қалинлиги 1 мм дан ортиқ бўлгани 3920 43 9000 код билан таснифланади.

Винил хлорид полимерларидан тайёрланган ғовакли плиталар, листлар, плёнка ва тасмалар ёки ленталар, бошқалар ТИФ ТНнинг 3921 12 000 0 коди билан классификацияланади.

Поливинилхлориддан тайёрланган товарларни ташиш ёки қадоқлаш учун товарлар; пробкалар, қопқоқлар, қалпоқлар ва бошқа турдаги тикинлайдиган буюмлар ТИФ ТНнинг 3923 29 100 0 коди билан классификацияланади.

Бирламчи шаклдаги винил хлорид полимерлари ТИФ ТН бўйича 3904 товар позицияси бўйича таснифланиб, ТИФ ТНнинг 3904 22 000 0 коди пластификацияланган поливинилхлоридга тегишлидир.

Мазкур код билан оловга чидамли ва оловга чидамсиз пластификацияланган поливинилхлорид классификацияланади. Ушбу ҳолат полимернинг фарқлашда маълум қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли ТИФ ТН нинг 3904 22 000 0 коддини қуйидагича деталлаштириш мақсадга мувофиқ.

- бошқа поливинилхлоридлар:

3904 21 000 0 - пластификацияланмаган

3904 22 000 - пластификацияланган

3904 22 000 1 - оловга чидамли

3904 22 000 2 - қийин ёнувчан

3904 22 000 9 - бошқа.

ХУЛОСА

“Поливинилхлорид учун антипиренлар синтези, улар асосида композициялар олиш, хоссаларининг тадқиқоти ва таснифи” мавзусидаги кимё фанларидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Галоген (хлор, бром ва йод) сақлаган пропаргил спиртининг ҳосилалари синтез қилинди ва пропаргил спиртининг галогенлар билан ўзаро таъсирлашиши мумкин бўлган механизм таклиф этилди.

2. Синтез жараёнига турли омилларнинг - ҳарорат, катализаторнинг табиати ва концентрацияси, реакция давомийлигининг таъсири ўрга-нилды. Шунингдек, реакция учун мақбул шароит (ҳарорат -20°C , катализатор -КОН сувли эритмаси ва реакция давомийлиги 3 соат) таклиф этилди.

3. Синтез қилинган моддаларнинг тузилиши ва таркиби, ИҚ- ва ЯМР-спектроскопик усуллар билан ўрганилиб, исботланди.

4. Олинган оловбардош поливинилхлорид композицияларининг термик хусусиятлари ўрганилды: масса йўқотилиши (2,651-77,21 масс.%), термик парчаланиш тезлиги (1,56-1,16 мг/мин) ва полимерни парчаланиш учун сарфланган энергия миқдор (16,25-2,325 $\mu\text{V}\cdot\text{s}/\text{mg}$) лари аниқланди.

5. Олинган поливинилхлорид композицияларининг оловбардошлиги ўрганилиб, антипиренларнинг самарадорлик қатори аниқланди:

ТХП > МЦ > ТЙП > МА > ТБДЙП.

6. Оловбардош поливинилхлорид композициялари деформацион-мустаҳкамлик хусусиятларининг антипирен концентрациясига боғлиқлиги ўрганилиб, оловбардош композицияларнинг оптимал таркиблари аниқланди.

7. Пропаргил спиртининг ҳосилалари ва поливинилхлорид асосидаги композицияларни сертификатлаш учун спектроскопия асосида юқори аниқликдаги ва иқтисодий автоматлаштирилган методлар ишлаб чиқилган ва тавсия этилган.

8. Синтез қилинган моддалар ва поливинилхлорид асосидаги композициялар кимёвий таркибига кўра таснифланди ва полимер материаллар учун антипирен сифатида ТИФ ТН га 39- гуруҳи, 3904 - "Бошқа поливинилхлоридлар" позициясига 3904 22 000 1 - оловга чидамли, 3904 22 000 2 - қийин ёнувчи ва 3904 22 000 9 – бошқа кодлари асосида киритиш тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 ПРИ НАВОИЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ХАЙДАРОВА ГУЛРУХ СОБИРЖОН КИЗИ

**СИНТЕЗ АНТИПИРЕНОВ ДЛЯ ПОЛИВИНИЛХЛОРИДА,
ПОЛУЧЕНИЕ КОМПОЗИЦИЙ НА ИХ ОСНОВЕ, ИССЛЕДОВАНИЕ И
КЛАССИФИКАЦИЯ СВОЙСТВ**

**02.00.14 - Технология органических веществ и материалов на их основе
02.00.09 – химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.3.PhD/K849.

Докторская Диссертация выполнена в Навоийском государственном горно-технологическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-б-странице Научного совета по адресу www.nsumt.uz и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
доктор химических наук, профессор

Махсумов Абдулхамид Гафурович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдушукуров Анвар Кабирович
доктор химических наук, профессор

Хамрокулов Махмуджон Гофурович
доктор философии химических наук (PhD), доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится « 19 » 12 2024 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.17/7.06.2024.K/T.06.03. (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 76в. Зал заседаний Навоийского государственного горно-технологического университета. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горно-технологического университета (зарегистрирован за № 176). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 76в. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz).

Автореферат диссертации разослан « 7 » 12 2024.

(реестр протокола рассылки № 4 от « 7 » 12 2024).



Х.М.Вапов

Председатель разового Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор.

С.Ш.Шарипов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD., доцент

М.М. Муминов

Председатель Научного семинара
при разовом Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире по потреблению синтетических полимеров поливинилхлорид занимает четвертое место. Согласно прогнозам, спрос на поливинилхлорид и материалы на его основе в ближайшие годы заметно вырастет. Возрастание спроса в поливинилхлоридных материалах приводит к расширению ассортимента изделий в различных отраслях народного хозяйства, в том числе строительстве. Одним из наиболее актуальных вопросов является снижение пожарной безопасности за счет применения антипиренов в состав ПВХ. Поэтому актуальна разработка новых и модификация существующих антипиренов, обладающих свойством повышать огнестойкость ПВХ материалов.

В мире на сегодняшний день ведутся научные исследования в области производства высокоэффективных антипиренов на основе фосфора и галогенсодержащих соединений для полимерных композиционных материалов. В связи с этим особое внимание уделяется синтезу и разработке многофункциональных антипиренов, совершенствованию их горючести и технологии производства с целью повышения горючести полимерных материалов на основе местного сырья.

В республике в настоящее время достигнуты определенные научные и практические результаты, проводятся определенные меры по созданию антипиренов, содержащих хлор, бром, йод, азот, фосфор, по которым достигли определенных результатов в этой области. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. При этом важна разработка экономичных и экологически чистых технологий производства антипиренов, содержащих хлор, бром, йод, азот и фосфор на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП - 5368 от 30 октября 2019 года «Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», в Постановлениях от 20 октября 2018 года ПП-841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития до 2030 г.» и от 15 марта 2020 года ПП-6079 утверждения Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник правовых документов Республике Узбекистан. – Т., 2017. – 103 с.

исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. По получению огнестойких материалов и создания технологий применения провели научные исследования ученые Хоанг Тхань Хай, Cinausero N., Batistella A., Ling Sun, Sertsova A.A., Wennan Li, Yi-Wei Wang, Ruiqing Shen, Qingsheng Wang, Триполицын А.А., Еремина Т.Ю., Николаева Е.А., Альменбаев М.М., Зубкова Н.С., Сабирзянова Р.Н., Микитаев А.К., Джалилов А.Т., Самигов Н.А., Набиева И.А., Рафиков А.С., Мухиддинов Б.Ф., Акбаров Х.И., Мухамедгалиев Б.А., Нуркулов Ф.Н., Сиддиков И.И., Бекназаров Х.С. и другие.

В результате своих научных исследований эти ученые провели ряд исследований различных методов получения антипиренов для создания огнестойких полимерных материалов, влияния различных технологических факторов на процесс их производства и улучшения их структуры и свойств, разработки экономически эффективных и экологически чистых технологий.

В настоящее время ведутся научные исследования по совершенствованию современных новых методов модификации огнестойких материалов на основе химических соединений противопожарной защиты, антипиренов для синтетических полимерных и других материалов, а также экологически чистых и экономичных технологий.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Навоийского государственного горно-технологического университета в рамках хоздоговорной темы № 1-03/2024 «Разработка композиций для улучшения переработки поливинилхлорида».

Целью исследования является синтез антипиренов на основе местного сырья и разработка огнестойких композиционных материалов на основе поливинилхлорида.

Задачи исследования:

Синтез хлор, бром, йодсодержащих соединений на основе местного сырья;

исследование и установление химической структуры синтезированных соединений;

исследование электронной структуры и квантово-химические расчеты синтезированных соединений;

получение композиции поливинилхлорида с антипиренами;

исследование термических характеристики разработанных композиции;

исследование огнестойкости разработанных композиции;

получение материалов и исследование их физико-механические свойств;

